

9- май " Хотира ва қадрлаш" кун муносабати билан таълим фахрийлари ва кексалар ҳолидан хабар олинди.

Кексаларни эъзозлаш, ҳолидан хабар олиш ўзбек халқининг ўзигагина хос бўлган, қадриятга айланган одатдир.



Бу гўзал одат мухтарам юртбошимиз томонидан Қонун ва қонуности ҳужжатларида ҳам ўз аксини топган ва мустаҳкамлаб қўйилган.





9-май “Хотира ва қадрлаш” куни байрами арафасида уруш қатнашчилари ва фронт орти меҳнаткашлари ҳамда меҳнат фахрийларининг ҳолидан хабар олиш анъанасини давом эттириш мақсадида, Бойсун туман халқ таълими бўлими ва Таълим ва фан касаба уюшмаси туман кенгаши бўлинмаси билан биргаликда 9-май “Хотира ва қадрлаш” куни байрами муносабати билан таълим фахрийлари ва кам таъминланганлар ҳолидан хабар олинди.



